

**ШИМОЛИЙ ХУДУДЛАРДА БАҲОРГИ БЎҒДОЙ ЕТИШТИРИШ**

*Бекбанов Б.А. – қ.х.ф.н., к.и.ҳ.*

*Нагиметов О. – қ.х.ф.н., к.и.ҳ.*

*Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти*

Кейинги йилларда об-ҳаво ва иқлимни глобал ўзгариб бораётганлиги, қишлоқ хўжалик экинларидан, жумладан, ғалладан ҳам юқори ва сифатли ҳосил олишни камайишига олиб келмоқда. Шуларни ҳисобга олиб республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитининг хилма-хиллигини назарда тутган ҳолда, ҳарбир ҳудуднинг тупроқ иқлим шароитига мос бошоқли дон экинларини серҳосил, эртапишар, шўрға, кўрғоқчиликка ва иссиқликка чидамли, дон сифати юқори бўлган навларни яратишни ва яратилган навларни республикамизнинг турли хил тупроқларида етиштириш агротехикасини такомиллаштиришни таҳозо этмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудий жойлашуви ва минтақаларига кўра ўзига хос тупроқ-иқлим шароитига эга. Шу сабабли ҳам истиқболли нав деб қаралаётган навлар жойларда илмий тажрибаларда синовдан ўтиши керак. Шўнингдек, янги навлар учун қўлланиладиган агротехник тадбирлар, шу жойнинг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиб тавсия этилиши лозим.

Бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун серҳосил, турли ноқулай омилларга чидамли, муайян тупроқ-иқлим шароитларига мос навларни танлаш, юксак агротехникани қўллаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши уйғунлашган кураш чораларини ишлаб чиқиш, ўсимликларнинг мўътадил озикланиш режимини, ўғит турлари ва меъёри ҳамда муддатларини тўғри белгилаш, физиологик фаол моддаларни синаш ва энг мақбул навларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, уларнинг уруғчилик тизимини ташкил этиш шу даврнинг муҳим долзарб масалалари ҳисобланади.

Бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил олиш учун навларни минтақалар бўйича тўғри жойлаштириш ва ҳар бир навни аниқ тупроқ-иқлим шароитида мақбул муддатларда экиш, меъёрида озиклантириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажаришга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Республиканинг шимолий ҳудудларида биологик баҳорги буғдой навларини экиш, уларнинг биологик хусусиятларига мос оптимал экиш, суғориш ва ўғитлаш меъёрларини аниқлаш, уларнинг етиштириш агротехикасини яратиш, илмий асосланган уруғлик дон етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларни фермер хўжаликларига жорий этиш ғаллачиликдаги энг долзарб муаммолардан биридир.

Буғдойнинг экиш муддатлари ва меъёрлари навнинг биологик хусусиятларига, иқлим шароитига, тупроқ типига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда тавсия этилаётган буғдойнинг экиш муддатлари ва меъёрлари ҳамма вақт ҳам республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитига мос келмайдими. Экиш муддатини ўзгартириш натижасида буғдойнинг ривожланиш давларини бошқариш имконияти яратилади. Шу боис, буғдой уруғларини экиш муддатини шундай танлаш керакки, бунда ўсимлик амал даври охирида етарлича туп сонини таъминлаб, юқори дон ҳосили етиштиришга имконият яратади.

Буғдой навларининг экиш меъёри минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароити, ўтмишдош экин тури, тупроқ унумдорлиги, ўғитлаш меъёрлари, экиш муддати, нам билан таъминланганлиги, навнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Шунинг учун ҳам, экиш меъёрлари тупроқ-иқлим шароитларига қараб ўзгариб боради.

Буғдойдан мунтазам равишда юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда маъданли ўғитлар алоҳида аҳамиятга эга. Буғдой ҳар қандай тупроқ шароитида парвариш қилинмасин – бошоқли дон экинлари орасида тупроқ унумдорлигига талабчан ўсимлик ҳисобланади.

Маъдан ўғитларнинг қўллаш меъёрлари ва муддатларининг самарадорлиги тупроқ - иқлим шароитига, навларнинг хусусиятига, буғдойнинг сув билан таъминланганлиги даражасига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Буғдойдан 1 ц дон олиш учун 3,25 кг азот, 1,15 кг фосфор ўзлаштирса, ўсимлик орқали ўзлаштириш коэффициенти 0,67 ва 0,30 бўлса, ҳар бир центнер дон учун 4,85 кг азот ва 3,83 кг фосфор солиниши лозим. Демак, азот билан фосфор нисбати 1,26:1 бўлади ва шунга кўра маъданли ўғит меъёри белгиланади.

Фосфорли ўғитларнинг, буғдойнинг ўсиш ва ривожланишида бошқа маъдан ўғитлар қаторида аҳамияти каттадир. Маълумотларга қараганда, буғдойга фосфорли ўғитларни қўллаш азотли ва калийли ўғитлар беришдан олдин бошланган. Буғдойни фосфорга эҳтиёжи, ривожланишининг дастлабки давлариданоқ сезилади, шу туфайли Авдонин, фосфорли ўғитларнинг асосий қисмини ( 80-90 %) экишдан олдин солишни тавсия этади.

Калийли ўғитлар, буғдой учун асосий озиқа элементларидан бири ҳисобланади. Калий ўсимликни нафас олишида, фотосинтез фаолиятида, мураккаб органик элементларни ҳосил қилишда, оксил синтезида, ферментлар етказиб беришни фаоллаштиришда, ўсимликни ётиб қолишига, ҳамда касалликларга чидамлилигини оширишда муҳим ўрин тутаяди. Қисқа қилиб айтганда, буғдой органларида кечадиган барча физиологик жараёнлар калий элементига боғлиқ.

Асосиз равишда бир томонлама азотли ўғитлар меъёрини ошириш,

маҳсулот таркибида нитрат ва нитритларни ошиб кетишига олиб келади. Бундай маҳсулотларни сақланувчанлиги паст бўлади.

Буғдойдан мўл ва сифатли дон ҳосили етиштириш, ўсиш ва ривожланиш жараёнида сувга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қондиришга боғлиқдир. Буғдойнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уни сувга бўлган эҳтиёжи, ривожланиш давлари бўйича бир хил эмас. Сувга бўлган талаб даври, найчалаш ва бошоқлаш давлари ҳисобланади. Мана шу даврда нам етишмаслиги, 21 - 40 % ҳосилни йўқотишга олиб келади

Буғдойдан 70-75 ц/га дон ҳосили олиш учун, интенсив кузги буғдой навларини суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70 %, маҳаллий навлар учун эса 60-65 % ни ташкил этиши лозим. Интенсив типдаги навларни кузда бир марта 550-600 м<sup>3</sup>/га ҳисобида, ўсув даврида эса 3 марта суғориш лозим.

Доннинг шаклланиш даврида қўлланилган азотли ўғитларнинг дон таркибидаги оксил ва клейковина миқдорига таъсири, тупроқнинг юза 0-20 см қатламидаги намлик миқдорига боғлиқдир. Намлик миқдори кам ёки юқори бўлганда озиклантириш, кутилган самара бермайди. Ғалла экинларида маъдан ўғитлар самарадорлиги, суғориладиган шароитда юқори бўлади, бунда 1 кг NPK ҳисобига 10 кг дон етиштирилади.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинини етиштириш учун ўзига хос маълум даражада сув талаб қилинади. Экинларни сувга бўлган талаби жуда кўп табиий ва хўжалик омилларига боғлиқ бўлиб, бу - ҳудуднинг иқлим, тупроқ, геологик, гидрогеологик ва рельеф шароитларидир. Шунингдек, экинларни сувга бўлган талаби, уларни етиштириш учун қўлланиладиган агротехник омилларга, навнинг биологик хусусиятларига, ҳамда экинларни ўсув давларига боғлиқ бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Аманов А., Зиядуллаев З., Узақов Ғ. ва бошқалар. Сув танқис йиллари бошоқли дон экинларини етиштириш бўйича тавсиялар // “Насаф” – Қарши. 2014. –Б. 11-15.

2. Бекбанов Б.А., Нагыметов О., Алламжарова Б.А., Райымбердиева Р. Влияние метеорологических условий на посевные качества семян яровой пшеницы. // Агро илм, №4, (83) 2022, 18 б.

3. Халилов Н.Х. Донли экинлар биологияси. Самарқанд. 2002. Б. 78-79.

4. Бекбанов Б.А., Нагиметов О., Алламжарова Б.А. Влияние почвенно-климатических условий на качества семян зерновых культур. Международный научно-образовательный журнал // «Образование и наука в XXI веке». РФ. г. Кемерово, 31.01.2023. Выпуск №34 (том 5) С.515-520.